

**АХМАД ИБН ҲАФС ҚАБИР
БУХОРИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ ИЛК
ШАРҚ РЕНЕССАНСИ ҲАМДА
ИСЛОМ ФАЛСАФАСИ ИЛМИЙ-
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ
ЯРАТИШДАГИ ЎРНИ ВА
АҲАМИЯТИ**

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

ТҮПЛАМИ

Бухори шариф - 2022

Ҳеч ким, шу жумладан, даврдаги ўн икки ҳавворий ҳам тош отишга журъат этолмабди.

Хўш пайғамбарлар айблашга журъат этолмаган аёлни, ҳатто, у гунохкор бўлганда ҳам, биз айблашга ҳақлимизми?.. Ахир донишмандлар: “Гўзал аёл миллатнинг шони, оқил аёл давлатнинг. Гўзал ва оқил аёллари кўп юртни шуҳратнинг ўзи излаб топади” – деб бежиз айтилмаган...

Тасаввуфда аёлга мунособатда турлича йўл тутишган. Баъзи мутасаввуфлар аёлни фариштага қиёслашса, баъзилари уни шайтон қаторига қўйиб, нафс тимсоли деб билишган.

Хужвирий ёзади: “Жаннатдаги илк фитна хотин туфайли, ер юзидағи илк фитна ҳам хотин туфайли бўлган. Одамнинг тақиқланган мевани ейишига хотин сабабкор эди. Қобил Ҳобилни хотин учун ўлдирди. Аллоҳ Ҳорут ва Морут исмидаги фаришталарни азоблашни хоҳлаганда улар аёл фитнасидан фойдаланишди. Бироқ булар захирадаги фитналар, ботиндаги маънавий фитналарни бунга қиёс этиб бўлмас”.

Шунга ўхша什 тушунчаларга таяниб айрим дарвешлар аёлга яқин бормаслик, ҳатто умуман уйланмасликка аҳд қилишган-ки, бу тасаввуфдаги энг бўш нуқта ва маҳдудликдан биридир.

Ҳийла ва фитнада аёл қавмининг “усталиги” балки устивордир. Балким, аёл табиатида шайтонлик сифатлари кўпроқдир. Ахир, Аллоҳ аёл зотига уч нарсани берганку: “Гўзалликни, ақлни ва макрни”...

Аммо умуман олганда, қалб покизалиги ва руҳий камолотда аёл ҳар қандай эркакни йўлда қолдиришда жоҳил кимсаларгина икрор бўлмасликлари мумкиндири. Боязид Бистомий: ”Менинг пирим аёлдир”- дейди. Зунун Мисрий Сурияда бир аёл билан учрашиб сухбатлашгач, уни муршид сифатида тан олади. Аввал эса Нишопурлик Фотима исмли қиз унга устозлик қилган. Анида исмли бир муршиданинг эркак ва аёлдан беш юз муриди бўлган экан. Аҳмад Яссавий ҳазратларининг зикр мажлисларида эркаклар билан биргаликда орифа аёллар ҳам қатнашганлар. Қолаверса, илоҳий ишқ майдонида биринчилардан бўлиб шижаот кўрсатганлар ҳам, ишқи илоҳий мавзусида гўзал шеърлар ёзган ҳам аёл, Робия Адавия эди.

Бундай далил мисолларни кўплаб келтириш мумкин бўлади (Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф сабоқлари. Бухоро, 2000, 68-69бетлар).

Биз номини тилга олган Робия Адавия ёхуд Басралиқ Робия дунёнинг барча лаззатларидан воз кечишига ундейдиган, таркидунёчиликнинг чинакам ишқ, яъни Аллоҳнинг ишқи билан яшашга ундейдиган сўғизмга айланишида асосий роль ўйнайдиган валий аёлдир. Ислом оламининг машҳур солномачилари бу аёлнинг хаёт йўлини аниқ тасвирлаб беришган. Чунки, у баркамоллиқда “кўплаб эркаклардан устун бўлган”. Муҳаммад Зехний ўзиннинг аёллар тўғрисидаги “Машоҳир ан нисо” номли машҳур асарида Робияни “Эркаклар бошидаги олтин тож” деб тасвирлайди.

Мавлоно Жалолиддин Румий ўзиннинг “Маснавийларида, Фаридуддин Аттор ҳазратлари эса ўзинниг “Илоҳийнома” асарларида Робиянинг таърифини, унинг бечораҳоллигини, дунё лаззатларига эътибор бермаслигини, ҳаётнинг синов ва имтиҳонларига бардошини ажойиб тарзда тасвирлаганлар.

Жумладан:

“Дейдилар: Аллоҳга дилбаста дилдор,
Робия бир ҳафа туз тотмади ҳеч,
Ҳаттоки сув ичмай юрди рўзадор,
ўлди намоз билан машғул эрта кеч...
Дунё ишқи бир ён, Ёр ишқи бир ён,
Осонмас чинакам ёрга эришмоқ”.

Ўзини Оллоҳга бахшида этган аёл ёлғиз Робия эмасди. Бундай художўй аёллар хусусида тарихда маълумотлар жуда кўп учрайди. Ҳазрат Муҳаммад соллалюҳу васалламнинг қариндошларидан бири Умму Ҳарам исмлик аёл ўзини Аллоҳ йўлига

бахшида этиб, мусулмонларнинг кипрликларга қарши жангларида ҳамширалиқ қилган ва хижрий 27 йил (милодий 649 йил) жангда шаҳид бўлган.

Хулоса қилиб айтгандা, кўнгилларга таскин ва тасалли бера оладиган авлиёсифат сўфий аёллар сиймоси уларнинг тирик ёки аллақачонлар дорул баҳога рихлат қилганларидан қатъий назар муслималар учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бир донишманд айтганидек: “Инсоният заифани шарафлаган даврларни шарафлаб, заифани улуғлаган шахсларни улуғлаб келади. Заифани шарафлашда ўзида куч тополмаган даврда комиллик, заифани улуғлашга ўзида куч топмаган одамда эса каримлик йўқдир...”

SHIHOBUDDIN AS-SUHRAVARDIY ASARINING O'RTA OSIYODAGI BIR SHARHI XUSUSIDA

Shahobiddin Baxriddinovich MURTOZAYEV

BuxDU PI Ijtimoiy fanlar kafedrasasi o'qituvchi

Tasavvuf ta'lomi O'rta Osiyo xalqlarining ma'naviy madaniyati tarixida muhim o'ren egallagan. O'rta Osiyo olimlari qalamiga mansub bizgacha yetib kelgan yozma merosning ma'lum bir qismi tasavvufga oid asarlaridir. Ulardan ba'zilari u yoki bu asarga yozilgan sharhlardan iborat. Ushbu maqola Suhravardiylariga yozilgan bir sharh haqida ma'lumot bermoqchimiz.

Tasavvufning mashhur tariqatlaridan biri – suhravardiya tariqatining asoschisi Shihobuddin Abu Hafs Umar ibn Muhammad as-Suhravardi 539 hijriy yili, sha'bon oyining birinchi kuni Eronning Jibol viloyati, Zanjon tumanining Suhravard qasabasida dunyoga keldi. Bu sana milodiy 1145 yilning 27 yanvariga to'g'ri keladi. U boshlang'ich ta'limi o'z yurtida olgach, amakisi va tariqatdagi murshidi bo'lmish Abu Najib as-Suhravardi bilan Bog'dodga boradi va u yerda ilm tahsilini davom ettiradi. Keyinchalik talabalarga dars berish va xalqqa va'z – nasihat qilish natijasida mashhur bo'lib ketadi. Zamondoshlari uni “Shayx ush-shuyux”, “Shayx ul-islom”, “Shayx ul-Iraq” nisbatlari bilan ulug'langan.

Shofiy mazhabining faqiji, hadis, ilmi va tasavvuf ta'lomitining bilimdoni Shihobuddin as-suhravardi fiqh va tasavvuf ga oid bir qancha asarlar yozib qoldirgan. “Avorif ul-ma'orif” (“Ma'rifat oriflari”), “Rashf an-nasoix” (“Nasihat tomchilar”), “A'lom at-tuqo” (“Taqvo belgilari”), “A'lom al-muridin” (Muridlarga ko'rsatma) nomli asarlari ana shular jumlasidandir.

Suhravardiya tariqatda Sa'diy Sheraziy va Avhaduddin Kirmoniyarning piri, murshididir. U hijriy 632 yili muharram oyining birinchi kuni (milodiy 1234 yil, 26 noyabr) 93 yoshida vafot etgan.

Suhravardiya tariqati o'rta asrlarda ancha rivojlandi va hozirgi vaqtida Hindiston va Pokistonda uning vakillari faoliyat ko'rsatmoqdalar. Shihobuddin as-Sahovardiyning asarlari esa olimlarning e'tiborida bo'lib, islomiy o'quv yurtlarida darslik sanaladi.

Shihobuddin as-Sahovardiyning asarlari O'rta Osiyoda ham ancha mashhur bo'lgan, ulardan ba'zilariga ilmiy sharhlar yozilgan (2, 331-360.). Shulardan biri Shayx Xudoydod qalamiga mansub “Bahr al-ulum” nomli sharh bo'lib, u Suhravardiyning “Irshod al-muridin” asariga yozilgan. Bu mavzudagi ba'zi tadqiqotlar nashr etilgan (3,31-41,177-178.).

Shayx Xudoydod ibn Toshmuhammad Azizon al-Buxoriy XVIII asrning birinchi yarmida Buxoro yaqinida tug'ilib, 1801 yilda vafot etgan; yassaviya tariqati mutasavvifidir. Uning hayoti haqida manbalarda ma'lumot juda oz “Tarix-i Xumuliy”da “Mavlono Shayx Xudoydod jahriy (zikr qiluvchi) toifadan” ekanligi aytib o'tilgan (4,224.).

Shayx Xudoydod yashagan davr – XVIII asrning ikkinchi yarmida O'rta Osiyo xalqlarining ma'naviy madaniyatida naqshbandiya-mujaddidiya tariqati vakillari yetakchi o'ren tutganlar. Ular bilan bir qatorda qodiriya, yassaviya tariqatlari ham amalda bo'lgan. Bu davrda tasavvuf ta'lomi keng tarqalib, aholining turli toifa vakillari dunyoqarashiga kirib borgan, desak xato bo'lmaydi. Bu ta'lomit saroy amaldorlarining, hattoki amirlarning ham hayoti va dunyoqarashlarini qamrab olgan (1, 275-331.).

Аҳмад ибн Ҳафс Кабир ал-Бухорий мероси ва унинг илк Шарқ ренессанси ва Ислом фалсафаси илмий-назарий асослари яратишдаги ўрни ва аҳамияти

Utayeva F.X.	Buxoro IP-yigiruv fabrikasida kutubxona, sport to'g'arawlari faoliyati.	357
Исаев Й.	Муҳаддис Бужайрийнинг хадис илмида тутган ўрни.	360
Umarova M.S.qizi	«Shajarayi Turk» asari bo'yicha sharq va g'arb olimlarining olib borgan tadqiqotlari.	363
Fayzieyev I.SH.	Tarix- kelajak kaliti	367
Меликова М.Н.	Философский анализ концепции совершенной личности в накшбандизме	369
Norova M.F.	Views On Humanity In Kubravian Doctrine	
Khudoykulova M.		373
Eshmamatov B.	Nemis tili darslarida zamonaviy pedtexnologiyalardan foydalanish	
Raxmatov F.		375
Эшпулатов И.С.	Ибн Сино фалсафаси ва унинг инсон камолодаги аҳамияти	377
Rahmonova D.	Nemis klassik falsafasi vakillarining ijtimoiy qarashlari	380
Файзиходжаева Д.И.	Болтаев М. Мантиқшунос олим	382
Файзиходжаева Д.	Шайх Юсуф Ҳамадоний: инсон ва коинот алоқадорлиги	384
Мухсимов Д.	Тасаввуф таълимоти ва уни ўрганиш масалалари.	387
Намозова К.Б.	Замонавий тилшунослиқда тўй маросимлари лексикаси миллий-маданий хусусиятларининг ўрганилиши.	390
Bahriyeva Aziza	O'quvchilarda ma'naviy-axloqiy sifatlarni tarbiyalash pedagogik muammo sifatida.	394
Сафарова Н.О.	Ҳанафинияда бағрикенгликнинг фиқҳий асослари	397
Ражабова Д.Я.	XIX аср 2-ярми-xx аср бошларида Бухоро ислом конфессиясидаги ихтилофлар хусусида	400
Хакимхўжаев М.М.	Фалсафа илмида имманиул Кантнинг ўрни.	
Усмонходжаева М.А.		403
Шамсутдинова Н.К.	Идейно- теоретические и философские принципы Абу Али Ибн Сины в развитии мусульманской культуры.	405
Бешимов Б.И.	Терроризмнинг ривожланиш динамикаси ва дискурс концепти ҳамда унга қарши курашда ажододлар меросидан фойдаланиш масаласи	409
Shirinov A.Q.	Issues Of Human Development In Central Asia: Country Analysis Of Uzbekistan	411
Сативалдиев Пулат	Ватанпарварликда ворисийликнинг онтологик моҳияти.	414
Альмеев Р.В.	Святые места Бухары: мазар Хазрата Ходжа Мухаммада Порсо в Бухаре и его вклад в мировой успех духовного братства Накшбандийа.	415
Исомиддинов Й.Ю.	Фитрат фалсафий меросида гуманистик ғоя ва қараашлар таҳлили. (Абдурауф Фитратнинг "Мухтасар ислом тарихи асари" мисолида)	421
Узакова Л.А.	Алишер Навоий ижодида диний бағрикенглик масалалари	424
Boltayev B.B.	Abu Hafs Kabir – Imom Hojatbaror	425
Каримов Б.Ш.	Муҳаммад Назарович Болтаевнинг миллий социологияни ривожлантиришдаги ўрни ва роли.	428
Саданова Д.А.	Жамият тараққиёти: илмий-назарий ёндошувдаги ўзига хосликлар.	433
Raupova R.C.	Хожа Исмат Бухорий меросининг ахлоқий-тарбиявий жиҳатлари ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни.	436
Ғафуров Д.О.	Оила ва никоҳда исломий муносабатлар тасаввуфий таълимотлар асоси	438
Султонова Н.Э.	Ўзбекистон Республикасида гендер тенглик стратегияси ва аёлларнинг	
Султонов Ш.Ж.	кадр-қиммати масалалари.	441
Бозорова Р.Ш.	"Мехр" тушунчасининг фалсафий таҳлили	444
Рашидов О.Р.	Ўзбек адабиётида миллий зиёлилар ҳамда большевиклар ўртасидаги мафкуравий кураш	446
To'rayeva G.B.	Suxareva O.A. tadqiqotlarida O'zbekistonda islom dini bilan bog'liq an'analar tahlili.	449
Хамзаев Ш.А.	Хожа Аҳмад Яссавий илмий-ижодий меросининг ўрганилиши	451
Шодиев Ж.Ж.	Маърифатли жамият ва ижтимоий маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш орқали инсон қадрини оширишга эришиш	454